O'ZBEKISTON BUNYODKORI
IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№90-91 (643-644)
2022 йил 8 ноябрь, сешанба
uzbunyodkor
t.me/uzbunyodkor
info@uzbunyodkor.uz
Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

# ҲУДУДЛАРДА САНОАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 7 ноябрь куни маҳаллий саноатни ривожлантириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мамлакатимизда тадбиркорликка яратилган шароитлар туфайли ҳудудларда кичик ишлаб чиқаришлар кўпаймоқда. Одамлар иш билан таъминланиб, бозорбоп маҳсулотлар тайёрланмоқда. Лекин дунёдаги ҳозирги мураккаб вазият, транспорт-логистикадаги узилишлар бу тармоққа ҳам таъсир қилаяпти.

Жорий йилнинг 9 ойида юртимизда саноат 5,3 фоиз ўсган. Лекин, 65 та йирик ҳудудий корхонада ишлаб чиқариш камайган. Давлат томонидан маблағ ажратилган бўлса-да, 118 та саноат зонасига ҳалигача инфратузилма олиб борилмаган. Экспортда GSP+ имкониятидан етарлича фойдаланилмаяпти.

Танқидий руҳда ўтган йиғилишда шу каби камчиликлар, соҳадаги долзарб вазифалар муҳокама қилинди.

– Саноат тармоқлари раҳбарлари, ҳокимлар бу қийин шароитда имконият излаши, ички захираларни ишга солиб, таклиф ва ташаббус кўрсатиши керак. Ҳамма масалаларни ўз кучимиз, меҳнатимиз, интилишимиз билан фақат ўзимиз ҳал қиламиз, – деди Шавкат Мирзиёев.

Маиший техника, гилам, мебель ишлаб чиқарувчиларни кафолатли хомашё билан таъминлаш, кам қувватда ишлаётган корхоналарга кўмаклашиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Маълумки, Ўзбекистон ўтган йили Европа Иттифоқининг GSP+ номли кенгайтирилган преференциялар тизимига қабул қилинган эди. Унинг доирасида 6 минг 200 дан ортиқ маҳсулот турларини Европа бозорига имтиёзли шартларда экспорт қилиш мумкин. Бунинг учун давлатимиз томонидан транспорт харажатларига 70 фоизгача субсидия ҳам берилмоқда. Лекин, тўқимачилик маҳсулотлари экспортининг 6 фоизи, электр техникасининг 3 фоизи, ипак ва озиқ-овқатнинг 1 фоизи Европага сотиляпти, холос.

Давлатимиз раҳбари маҳаллий корхоналарнинг халқаро сертификатлар олиб, ташқи бозорга чиқишига кўмаклашиш зарурлигини таъкидлади. Келгуси йилда Европага саноат экспорти ҳажмини 700 миллион долларга етказиш имконияти борлиги айтилди.

2-бет

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКМАНИСТОН ХАЛҚ МАСЛАҲАТИ РАИСИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

7 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркманистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимуҳамедовнинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедовга ўзининг самимий саломи ва энг эзгу тилакларини билдирди.

Ўзбекистон Президентининг жорий йил 20-21 октябрь кунлари Туркманистонга амалга оширилган расмий ташрифи давомидаги олий даражали учрашув ва тадбирларнинг самарали натижалари юксак баҳоланди.

Эришилган келишувлар ва имзоланган битимларни, шу жумладан, фаол парламентлараро мулоқотлар ва алмашинувларни давом эттириш орқали амалга ошириш муҳимлиги қайд этилди.

Шу ҳафта охирида Самарқандда ўтказиладиган Туркий давлатлар ташкилоти саммитининг кун тартибидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди.

**ЎзА.**

# ЖАҲОН ТУРИЗМ ТАШКИЛОТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ МУҲИМЛИГИ ҚАЙД ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 ноябрь куни Жаҳон туризм ташкилоти (ЮНВТО) бош котиби Зураб Пололикашвилини қабул қилди.

Учрашув кун тартибидан мамлакатимиз ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ушбу нуфузли ихтисослашган ҳукуматлараро тузилмаси ўртасидаги амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари ўрин олди.

Ўзбекистон 1993 йилдан буён ЮНВТО аъзоси эканини таъкидлаш зарур. Ўтган даврда тармоқнинг улкан салоҳиятини рўёбга чиқариш ва Ўзбекистоннинг туризм брендини халқаро миқёсда илгари суришга қаратилган муҳим ташаббус ва қўшма дастурлар амалга оширилди. Юртимизда Ташкилотнинг Буюк ипак йўли бўйича минтақавий офиси фаолият юритмоқда.

Кейинги йилларда шериклик сезиларли даражада фаоллашди. Бугунги кунда 2023 йилда Самарқанд шаҳрида ЮНВТО Бош Ассамблеясининг 25-сессиясини ўтказишга биргаликда тайёргарлик кўрилмоқда.

Суҳбатда Зураб Пололикашвили Ўзбекистонда замонавий туризм инфратузилмасини ривожлантириш, жумладан, ташқи ва ички туризм кўрсаткичларининг сифатли ўсишига хизмат қиладиган ишбилармонлик ташаббусларини амалга ошириш учун қулай шароитлар яратишга қаратилган ислоҳотлар натижаларини юксак баҳолади.

Мамлакатимиз билан ЮНВТО ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш бўйича "йўл харитаси"ни қабул қилиш, унга Ўзбекистоннинг туризм брендини илгари суриш, самарали ахборот кампанияларини ўтказиш, юқори малакали кадрларни тайёрлаш, бошқа муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирларини киритишга келишиб олинди.

**ЎзА.**

ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИДА

# ЎЗБЕКИСТОН ВА ФИНЛЯНДИЯ

## мутахассисларининг ҳамкорлик учрашуви





**Бугунги кунда Финляндия давлати билан мамлакатимиз муносабатлари нафақат иқтисодий- ижтимоий, балки маданий-гуманитар соҳаларда ҳам янги мазмун билан бойиб бормоқда. Финляндиянинг мамлакатимиздаги элчиси ва ушбу мамлакат қурилиш индустриясидаги нуфузли компаниялар вакиллари иштирокидаги учрашувда ҳам бу фикрлар яна бир бор янгради.**

Қурилиш вазирлигида бўлиб ўтган учрашувда дастлаб юртимизда бунёдкорлик соҳасида олиб борилаётган истиқболли режалар, амалий ишлар ҳақида маълумот берилди. Ўз навбатида, меҳмонлар ҳам қурилиш ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасида ҳамкорлик қилишдан манфаатдор эканликларини билдирди.

Хусусан, ўтган йиллар давомида мамлакатларнинг дўстона ҳамкорликни ривожлантиришда салмоқли муваффақиятларга эришгани алоҳида таъкидланди. "Ўзбекистон-Финляндия халқаро бизнес форуми" доирасида бўлиб ўтган ушбу учрашувда алоқаларнинг манзил ва муддатлари белгиланди. Ушбу нуфузли компаниялар Россия, Болтиқбўйи давлатлари, Швеция ва Европа мамлакатларида қурилиш соҳасида фаолият юритиб келмоқда.

Музокараларда қурилишда энергосамарадор технологияларни амалиётга татбиқ этиш борасидаги энг илғор технологиялар тақдимот қилинди. Шунингдек, бино ва иншоотларга лифт қурилмаларини ўрнатиш бўйича Финляндияда етакчи бўлган компаниялар билан ҳамкорлик қилишга келишиб олинди.

Эслатиб ўтамиз, ушбу форумда етакчи фин компаниялари, хусусан, Nokia, Finish Water, Reka Cables, Honka, Kone, Suokone каби 30 дан ортиқ компания раҳбарлари ва вакилларининг иштирок этиши кутилмоқда. Шунингдек, мазкур нуфузли тадбирда Финляндиянинг ХАМК амалий фанлар университети вакилларининг ҳам иштирок этиши белгиланган бўлиб, мақсад, фин компаниялари билан маҳаллий бизнес вакилларининг V2V, B2G учрашувларини ташкил этиш, ўзаро ҳамкорлик шартномаларини имзолаш ва келажакда истиқболли лойиҳалар бўйича алоқаларни ўрнатишдан иборатдир.

***Ҳурматли газетхонлар ва қурилиш ташкилотлари вакиллари!***
***Газетамизнинг келгуси сонида электрон рейтинг тизимидаги янгиланган мезонлар билан танишасиз.***
*Рейтинг тизими бўйича ўзингизни қизиқтирган саволларни бизга йўллашингиз мумкин.*

# ҲУДУДЛАРДА ҚУРИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИ ҚАЙ ДАРАЖАДА ОЛИБ БОРИЛМОҚДА?

## "Янги Ўзбекистон" массивлари мисолида

**Ислом ИБОДУЛЛА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Уй қур, ўн авлоднинг бошига пана бўлсин. Ҳа, халқимиз азалдан ўзи яшаб турган макон – бошпанасига алоҳида эътибор кўрсатиб, эъзозлаган. Эл орасида уй қуриш асрлар оша сақланиб келган қадрият ва анъаналар билан узвий боғланиб кетган. Уй пойдеворининг мустаҳкам бўлиши, унинг келажак насллаrга-да кам-кўстсиз хизмат қилишига туртки бўлган. Бугунги кунда ҳам диёримизнинг узоқ бурчакларида давлат дастурлари, тадбиркор қурувчиларнинг миришкор ҳаракатлари ортида қад ростлаётган иморатлар амалда бунёдкорликларга бой ўтмишимизнинг инъикоси бўлмоқда.**

Шу ўринда қизиқ савол туғилиши табиий. Мазкур биноларнинг қурилиш жараёнлари қай даражада сифатли олиб борилмоқда? Қурилиш вазирлиги томонидан 2-3 ноябрь кунлари Навоий ва Бухоро вилоятларига амалга оширилган пресс-тур давомида "Янги Ўзбекистон" массивлари мисолида атрофлича ўрганиб чиқилди. Тадбирда Қурилиш вазирлиги тизимидаги ташкилотларнинг масъулларидан иборат тезкор гуруҳ мазкур ҳудудларда давлат дастури асосида қурилаётган уй-жойларнинг ҳолатини танқидий-таҳлилий кўриб чиқиб, қурилишда йўл қўйилган оқсоқлик ва камчиликларни аниқлашди.



2-бет

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№90-91 (643-644) 2022 йил 8 ноябрь

# ҲУДУДЛАРДА САНОАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

1-бет

Маҳаллий саноатнинг энг катта тармоқларидан бири – тўқимачилик. Сўнгги йилларда юртимиз тадбиркорлари бу йўналишни яхши ўзлаштирди. Шунга қарамай, ҳали ҳам четдан олиб келинаётган маҳсулотлар бор.

Шу боис "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмасига камида 50 хил турдаги янги маҳсулотларни маҳаллийлаштириш бўйича вазифа қўйилди. Бундай лойиҳалар учун тижорат банкларига 100 миллион доллар, гиламчилик учун 50 миллион доллар маблағ жойлаштирилади. Европа давлатлари, Туркия, Миср, Марокашга газлама ва трикотаж мато экспорти учун транспорт харажатларининг 70 фоизи қоплаб берилади.

Умуман, тўқимачилик тармоғини янгича суръатда ривожлантириш, келгуси йилда 5 миллиард долларликдан зиёд экспорт қилиш бўйича дастур қабул қилинади.

Яна бир кенг қамровли йўналиш – қурилиш материаллари ишлаб чиқариш. Бу тармоқда маҳсулот тури ҳам, иш ўринлари ҳам кўп. Шу боис Президентимиз бундай корхоналарни қўллаб-қувватлашга қаратилган "саноат ипотекаси" дастурини ишлаб чиқиш ташаббусини билдирди. Бунга биринчи босқичда 50 миллион доллар йўналтирилади, кредитлар 7 йиллик, 2 йил имтиёзли давр билан берилади.

Нукус шаҳри, Булоқбоши, Қоровулбозор, Фориш, Чуст, Пахтачи, Сариосиё, Ўзбекистон туманларида қурилиш материаллари индустриал зоналари, Ангрен шаҳрида чинни идишлар ва сантехника буюмлари кластери ташкил этилиши айтилди.

Бу тармоқда экспортни 1 миллиард долларга етказиш мақсад қилиб қўйилди.

Мебелсозлик бугунги кунда халқ ҳунармандчилиги даражасига кўтарилган. Бухоро, Наманган, Самарқанд, Андижон, Фарғона ва Хоразмда 100 га яқин маҳалла шунга ихтисослашган. Президентимиз ҳунармандларга шароитларни кенгайтириш мақсадида бу маҳаллалар атрофида мебель саноати марказлари ташкил қилиш зарурлигини таъкидлади.

Мебелсозлик учун божхона имтиёзлари муддатини 2024 йил 1 январга қадар узайтириш, бу тармоқдаги лойиҳаларни кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Заргарликда ҳам имкониятлар жуда кенг. Юртимизнинг ўзида 300 миллион долларлик бозор бор. Бу талабни бемалол маҳаллий заргарлар қондириши мумкин. Шу боис уларни қўллаб-қувватлаш учун 1 декабрдан бошлаб, қатор енгилликлар белгиланди.

Жумладан, олтин ва кумушга кечиктириб тўлаш учун барча банклар ва Экспортни рағбатлантириш агентлиги кафолатлари қабул қилинади. Бу имконият якка тартибдаги заргарлар учун ҳам берилади. Заргарлик учун зарур хомашёларни вақтинча олиб кириш ва олиб чиқишда лицензия талаби бекор қилинади, қимматбаҳо ва безак тошлари божхона тўловларидан озод этилади.

Йиғилишда экспортни ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

– Келгуси йилда экспортни қўллаб-қувватлашни кенгайтирамиз. Бундан буён, тармоқларга субсидиялар экспорт ҳажмига қараб бериладиган тизим бўлади. Бугунги йиғилиш натижаси бўйича ҳудудий саноатни ривожлантиришга қўшимча 300 миллион доллар ва 350 миллиард сўм маблағ ажратилади. Кўзланган марраларга эришилса, келгуси йилда қўшимча 2 миллиард доллар экспортни таъминлаш мумкин, – деди Президент.

Умуман, келгуси йилда 8 миллиард долларликдан зиёд ҳудудий саноат маҳсулотларини экспорт қилиш чоралари таҳлил қилинди. Ўзбекистоннинг элчиларига хориждан замонавий технологиялар ва инвестициялар жалб этиш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан саноат тармоқлари раҳбарлари, ҳокимлар сўзга чиқди.

**ЎзА.**

# ҲУДУДЛАРДА ҚУРИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИ ҚАЙ ДАРАЖАДА ОЛИБ БОРИЛМОҚДА?

## "Янги Ўзбекистон" массивлари мисолида

1-бет

### ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ МАССИВЛАРИ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Президентимизнинг 2021 йил 9 декабрдаги "Янги Ўзбекистон" массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонига мувофиқ ўлкамизнинг барча вилоятларида давлат дастури асосида янги типдаги турар жойлар қурилиши бошланди.



Юқоридаги қарорга мувофиқ "Янги Ўзбекистон" массивларида кўп қаватли уй-жойлар, муҳандислик-транспорт коммуникацияси, ижтимоий соҳа, ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари комплекс тарзда қурилиши белгиланган. Шунингдек, массивларда ташкил этиладиган ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш объектларини қуриш учун ер участкалари тадбиркорлик субъектларига белгиланган тартибда электрон онлайн-аукцион орқали мулк ва ижара ҳуқуқлари асосида реализация этилиши режалаштирилган. Электрон онлайн-аукционда ғолиб деб топилган тадбиркорлик субъектларига кўп қаватли уй-жойлар қурилиши учун "ССС" ва ундан юқори рейтингга эга бўлган қурилиш ташкилотларини жалб этилиши назарда тутилган.

Айтиш керакки, бундай турдаги уй-жойлар аҳолининг турар жойга муҳтож қатламлари учун маълум енгилликлар бериши билан аҳамиятли бўлмоқда. Эндиликда ушбу массивлардаги хонадонлар субсидиялар асосида халқимизга тақдим этилади. "Янги Ўзбекистон" массивларининг белгиланган талаблар асосида қурилаётгани эса муҳим масаладир. Бунда мутасаддилар ва ОАВдан иборат тезкор гуруҳнинг Навоий ва Бухоро вилоятларига ташриф буюриб, "Янги Ўзбекистон" массивларининг қурилиши билан танишиши айни муддао бўлди.

### НАВОИЙ ВИЛОЯТИДА БИР КУН

2 ноябрь куни Тошкент шаҳридан йўлга чиққан масъуллар ва ОАВ ходимларидан иборат тезкор гуруҳ дастлабки ишини Навоий вилоятидан бошлаб, Кармана туманида қурилаётган "Янги Ўзбекистон" массивидаги иш жараёнлари билан танишди.

Айтиш керакки, туманнинг Дўстлик маҳалласидаги 420 та квартирали 18 та кўп қаватли турар жой, 330 ўринли мактаб, 180 ўринли МТТ, 50 қатновли тиббиёт муассасаси биносидан иборат "Янги Ўзбекистон" массиви учун 21,0 гектар ер майдони ажратилган бўлиб, ҳозирда уй-жойлар қурилиши аукцион савдоларида ғолиб деб топилган қурилиш-пудрат ташкилотлари томонидан амалга оширилмоқда. Жумладан, мазкур "Янги Ўзбекистон" массиви учун турар жой бинолари, ижтимоий объектлар, ичимлик сув ва оқава сув тармоқларини қуриш ишлари тегишли пудрат корхоналари томонидан бажарилмоқда. Ҳозирда ушбу объектларда қурилиш-монтаж ишларининг сифатли бажарилиши устидан давлат назорати ўрнатилган бўлиб, қурилиш жараёнида инспекторлар томонидан аниқланган камчиликлар тегишли тартибда бартараф этилмоқда.



– Кармана туманида жойлашган "Янги Ўзбекистон" массивининг биринчи босқич лойиҳаси кўп қаватли турар жой, мактаб, мактабгача таълим ташкилоти ва коммуникация тармоқларини қуришдан иборат, – деди Навоий вилоят Қурилишда ҳудудий назорат инспекцияси бош инспектори Сардор Агзамов. – Мазкур босқич май ойидан бошланган бўлиб, йил охирида тугатилиши белгиланган. Режалар асосида қурилиш жараёнлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Айтиш керакки, қурилишда назорат инспекцияси томонидан тумандаги уй-жойлар бўйича 16 марта мониторинг ишлари ўтказилиб, бажарилиши мажбурий бўлган 48 та ёзма кўрсатмалар берилган. Шундан буюртмачига 16 та, пудратчига 16 та, лойиҳачига 16 та бўлиб, эндиликда ёзма кўрсатмалар бартараф этиб борилмоқда. Аниқланган камчиликлар ўз вақтида тугатилмаганлиги сабабли инспекция томонидан 3 марта МЖтКнинг 99-моддасига асосан маъмурий иш ҳужжатлари тайёрланиб судларга оширилган.

Шунингдек, ушбу "Янги Ўзбекистон" массивида қурилиши амалга оширилаётган уй-жойларнинг ташқи пардозлаш ишлари сифатсиз бажарилганлиги, яъни СниП 3.04.01-87 талабларига риоя этилмаган девор юза қатламларида 10x30 миллиметргача нотекисликлар мавжудлиги ҳамда девор бурчакларида бир тўғри чизиқлилик таъминланмаганлиги, 11-сонли уйнинг пойдевор армокаркаслари ҳимоя қатлами 50 миллиметр фиксаторлар билан таъминланмасдан, амалда турли хил ўлчамдаги табиий тошлардан фойдаланилган ҳолда каркас ўрнатиш ишлари бажарилганлиги аниқланиб, масъул ходимларга тегишли кўрсатмалар берилиб, жараённинг ижроси назоратга олинган.

Бундан ташқари, Қизилтепа туманининг "Маликобод" МФЙ "Янги Ўзбекистон" массиви ҳудудида 50 қатновли тиббиёт муассасаси қурилиш-монтаж ишлари 80 фоиз бажарилган бўлиб, қурилиш ишларида ички пардоз тартибларида бир текислик таъминланмаган 18 квадрат метр қисми, жумладан, фойе бетон полининг 10 квадрат метри сифатсиз бажарилганлиги аниқланиб, назоратга олинган. Уй-жойлар бўйича 7 марта мониторинг ишлари ўтказилиб, бажарилиши мажбурий бўлган 21 та ёзма кўрсатмалар берилган. Шундан буюртмачига 7 та, пудратчига 7 та ва лойиҳачига берилган 7 та ёзма кўрсатмалар доимий бартараф этиб борилмоқда. Аниқланган камчиликлар ўз вақтида тугатилмаганлиги сабабли инспекция томонидан 3 марта МЖтКнинг 99-моддасига асосан маъмурий иш ҳужжатлари тайёрланиб, судларга оширилган.

Шунингдек, пресс-тур давомида тезкор гуруҳ таркибидаги масъул ходимлар ҳам аниқланган камчиликлар бўйича кўрсатмалар беришди.

### СИФАТСИЗ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ НАЗОРАТГА ОЛИНГАНМИ?

Пресс-турнинг иккинчи кунида тезкор гуруҳ Бухоро вилояти Ғиждувон тумани Барака маҳалласида барпо этилаётган "Янги Ўзбекистон" массивининг қурилиш жараёнлари билан танишди. 35,5 гектар майдонда жойлашган мазкур массивда 456 хонадондан иборат 5 қаватли 1 та подъезддан иборат уйларнинг 24 таси хусусий сектор томонидан қурилиши режалаштирилган. Шундан 18 та 1 подъездли 20 хонадонли турар жой, шунингдек, биринчи қавати 48 та савдо ва хизмат кўрсатиш тармоқларидан ташкил топган уй-жойлардан иборат бўлади.

Айтиш керакки, 2022 йилда мазкур қурилиш жараёнлари хусусий тадбиркорлар томонидан бажарилиши режалаштирилган бўлиб, бинокорлик ишлари давомида 1 та 180 ўринли мактабгача таълим ташкилоти, 1 та 330 ўринли мактаб биноси ва 1 та 100 қатновга мўлжалланган тиббиёт муассасаси қурилиши белгиланган.

Хусусан, массивда муҳандислик-коммуникация тармоқларини ташкил этиш лойиҳасига кўра, ҳудудга 3 километрли электр тармоғи, 4 та трансформатор ўрнатиш режалаштирилган. Ҳозирги кунга қадар зарурий электр тармоқлари тўлалигича тортилиб, 1 та трансформатор пункти ташкил этилган.

Жумладан, табиий газ таъминоти бўйича 6,1 километрли қувурлар ёткизиш, 1 та газ тақсимлаш станция қуриш режалаштирилган. Шу кеча-кундузда лойиҳа бўйича тасдиқланган газ тармоқлари тортиш ишлари тўла битказилган. Бундан ташқари, ҳудудда ичимлик ва оқава сув объектларини қуриш бўйича 2 та сув резервуари қуриш, 2,5 километрли ичимлик сув тармоқлари тортиш ва 2,6 километр оқава сув тармоқлари қуриш режалаштирилган. Ҳозирда мазкур ичимлик ва оқава сув тармоқларининг қарийб 2 километрини тортиш ишлари бажарилмаган. Мазкур "Янги Ўзбекистон" массивида турар жойларни фойдаланишга топшириш ишларининг 1-босқичи жорий йил сўнгида қуриб битказилади. Пресс-тур давомида Ғиждувон туманида қурилаётган "Янги Ўзбекистон" массивининг қурилиш ишларида бир қанча камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Жумладан, ертўлаларда гидроҳимоя ишлари тўлиқ бажарилмаган, қурилиш материалларидан фойдаланишда сусткашликка йўл қўйилган, объектда маҳсулотларни сақлаш учун жой йўқлиги сабабли асосий темир маҳсулотлари занг ҳолатда топилган ва ишчилар мавжуд хавфсизлик қоидаларига амал қилмасдан, махсус кийим-бошлардан фойдаланмаган.



– Пресс-тур иштирокида Ғиждувон туманидаги "Янги Ўзбекистон" массивида ўрганиш ишлари амалга оширилиб, бир қатор камчиликлар аниқланди, – деди Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси комплаенс хизмати мутахассиси Шерзод Худойберганов. – Бу ерда объект қурилиши учун қабул қилинган кўп бўшлиқли темир-бетон плиталари мавжуд стандартларга жавоб бермайдиган ҳолатда қабул қилинган. Шунингдек, ташқи пардозлаш ишларида ҳам меъёрий талабларга зид равишда ишлар давом эттирилган. Қолаверса, парда деворларнинг мустаҳкамлигини ошириш мақсадида белгиланган қурилиш материалларидан фойдаланилмаган. Қаватлараро кўтарилиш зиналарида лойиҳадан четга чиқиш ҳолатлари аниқланди. Баъзи ҳолатларда мавжуд зарурий қурилиш материаллари ўрнига, паст кўрсаткичлиларидан қўлланилган. Плита ёткизиш жараёнларида қурилиш нормаларига амал қилинмаганлиги сабабли бетонлаш ишлари жойида тўхтатилди. Хусусан, ғишт териш ишларида ҳам бир қанча камчиликлар аниқланиб, буларни бартараф этиш бўйича амалий чоралар кўрилди.

2022 йилнинг март ойида қурилиши бошланган массивда шу пайтга қадар вилоят Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси томонидан тизимли назорат ишлари олиб борилган бўлиб, "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизими орқали 105 та электрон ёзма кўрсатмалар берилган. Ўтган 7 ой давомида 1 та ҳолатда "Когон йиғма сервис" МЧЖ корхонаси томонидан стандарт талабларга жавоб бермайдиган сифатсиз томёпма плиталари қурилиш объектига етказиб берилганлиги учун, шунингдек, 2 та ҳолатда қурилиш-пудрат корхонаси мансабдор шахсларига нисбатан МЖтК 99-моддаси тегишли бандлари билан жарима қўлланилган.

### ЭЪТИБОРСИЗЛИК ОРТИДАГИ ОФАТ

Пресс-тур сўнгида тезкор гуруҳ Бухоро шаҳрида бўлиб, мазкур ҳудудда амалга оширилаётган қурилиш жараёнлари билан танишди. Бунда гуруҳ вакиллари Бухоро шаҳридаги авария ҳолати аниқланган бинони бориб кўришди. Қурилиш вазирлиги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси ва ҳудудий назорат инспекцияси ходимлари бинонинг авария ҳолатига келиш сабабларини ўрганиб, бундай ҳолатлар қайта такрорланмаслиги учун назорат тадбирларини кучайтириш бўйича тушунтиришлар беришди.

– Ушбу объектнинг қурувчиси 2021 йилда ўз ҳудудида қўшимча бино қуриш учун рухсатнома олган, – деди Бухоро вилояти қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси инспектори Илҳом Остонов. – Бинонинг зарурий ҳужжатлари ва лойиҳаси ишлаб чиқилган. Шундан сўнг, объектни қуриш бўйича жорий йилда Бухоро вилоят қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциясида рўйхатга олинган. Бу ерда авария бўлишининг асосий сабаби қурувчилар етарлича мустаҳкамликка эга бўлмаган регелда плиталарни монтаж қилган ва устига ортиқча юк ташланган. Лойиҳа ва қурилиш материаллларида камчилик аниқланмаган. Мавжуд меъёрларга зид равишда бетон маҳсулоти ўз мустаҳкамлигини тикламагунча кейинги босқич қурилиш ишлари давом эттирилган. Аниқланишича, мазкур авария ҳолати кузатилган вазиятда бино ичкарисида беш нафар қурувчи бўлган. Улардан бири енгил тан жароҳати олиб, касалхонага ёткизилган. Ҳозирда мазкур бинода демонтаж ишлари тугатилгач, инспекцияга тегишли лаборатория мутахассислари бинонинг ҳолатини ўрганиб чиқишади. Лаборатория хулосасига кўра, ишни давом эттириш ёки эттирмаслик ҳақида қарор чиқарилади. Айни пайтда мазкур бино хавфсизлик мақсадида ўраб олинган.

Албатта, бугун Ўзбекистонни қурилишларсиз, бунёдкорликларсиз тасаввур этиш қийин. Қурилиш жараёнлари бевосита мамлакат иқтисодиётининг ўсишига сабаб бўлмоқда. Йирик қурилиш жараёнлари, бунёдкорлик тадбирлари ҳудудларнинг ташқи кўринишини ҳам чуқур таъсирлантиряпти. Навоий ва Бухоро вилоятларига амалга оширилган пресс-тур давомида бу ҳолат яққол кўзга ташланди. Мутасаддилар бундай тадбирларнинг доимий ташкил этилиши ҳудудлардаги қурилишларнинг назоратини таъминлашга туртки бўлишини эътироф этишди.

# Илк меъморчилик "Vorkshop"и бўлиб ўтди




**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Шу йилнинг 31 октябридан 4 ноябрига қадар Тошкент шаҳридаги Аджу университети ҳамда Тошкент архитектура-қурилиш институти билан биргаликда архитектура таълим йўналишида таҳсил олувчи талабалар учун "Биз+маҳалла" номли биринчи меъморчилик "Vorkshop"и бўлиб ўтди. "Vorkshop" Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси, HSNK Architecture and Engineering va New Millenium Construction компаниялари ҳамкорлигида ташкил қилинди.**

Тадбирни ўтказишдан асосий мақсад – икки таълим муассасаси ўртасидаги ҳамжиҳатликни ривожлантириш, архитектура ва шаҳарсозликнинг долзарб масалалари ҳамда муаммоларини ҳал этишга қодир бўлган янги авлод вакилларини тайёрлашдан иборат.

"Vorkshop" иштирокчилари шу муддат оралиғида пойтахтимиздаги бир қатор маданий мерос объектларини бориб, ўрганишди. Хусусан, Ўзбекистоннинг туристик салоҳиятини ривожлантиришда тарихий бино ва обидаларнинг ўрни беқиёс. Чет элликлар мамлакатимизга айнан темурийлар, хонликлар ва амирликлар даврида барпо этилиб, ҳозиргача сақланиб қолган иморатларни томоша қилиш учун ташриф буюришади. Шунинг учун бўлса керак, Самарқанд, Бухоро ва Хива каби тархий шаҳарларда йил давомида туристлар оқими тинмайди.

Пойтахтимизнинг Олмазор туманида жойлашган Ҳасти Имом маҳалласи ҳам узоқ йиллик тарихий қиёфасини сақлаб қолгани билан ажралиб туради. Бу ердаги эски уйлар ва тор кўчалар бир неча аср аввалги ҳаётни тасаввур қилиш имконини беради. Шу боис ҳам, икки олий таълим талабалари ҳамкорликда мазкур маҳалланинг замонавий қиёфасини яратиш бўйича янги лойиҳани бошладилар.

– 2018-2019 йилларда Германиянинг Ваймер университети билан биргаликда пойтахт маҳаллаларини тадқиқ қилганмиз, – деди фалсафа фандари доктори Нилуфар Туҳбоева. – Бизга маҳалла тизими жуда қизиқ бўлгани учун, яъни, маҳаллани ҳозирги кунда асраб қолиш кераклигини ҳисобга олиб шу мавзуни танладик. Қадрият билан замонавийликни уйғунлаштириш – асосий мақсадимиз.

Лойиҳада иккала таълим масканидан 20 нафардан, жами 40 нафар талаба иштирок этди. Улар тўрт кишидан иборат аралаш жамоаларда ишлаб, маҳаллалардаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш, янги архитектура ғояларини яратиш бўйича ўз таклифларини билдиришди.

– Эски маҳаллалар ўрнига ҳам Тошкент Ситига ўхшаган лойиҳаларни қуриш мумкин, – дейди "Vorkshop" қатнашчиси Холёрбек Шералиев. – Аммо бунда борган сари маҳалла маданияти, анъанаси, миллийлик йўқолар эди. Шу боис, ушбу маҳаллани асл қиёфасини сақлаган ҳолда янада ривожлантириш бугунги кун талабидир. Лекин маҳалланинг кўчалари жуда ҳам тор. Иккита машина ўтмоқчи бўлса, биттаси албатта кутиб туриши керак. Шунингдек, маҳаллага кираверишда яшил ҳудудлар деярли йўқ. Бу масалалар лойиҳадаги энг муҳим жиҳатлар деб ўйлайман. Маҳаллани ичида кўкаламзор ҳудудларни кўпайтириш, мавжуд коммуникациялардаги муаммоларни ҳал қилиш лозим. Муаммолар ҳал бўлсагина, аҳолига маҳалланинг ташқи кўриниши ва бошқа жиҳатлари маъқул келиши мумкин.

"Vorkshop" якунида ғолиб жамоа Жанубий Кореяда амалиёт ўташ ва тажриба орттириш имкониятини қўлга киритди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

# ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИДА КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ҲАМДА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш, таълим жараёнини халқаро стандартларга мослаштириш ва бошқарув тизимини рақамлаштириш, педагогик ва илмий салоҳиятни янада ошириш ҳамда илмий-тадқиқот ишлари сифатини тубдан яхшилаш, илғор хорижий спорт-таълим технологияларининг трансферини амалга ошириш орқали юқори натижаларга эришиш мақсадида:

1. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети (кейинги ўринларда – Университет) ҳамда унинг филиалларида:

**таълим дастурлари** халқаро рейтингда юқори бўлган хорижий олий таълим муассасасининг дастурига кўра **шакллантирилсин,** жаҳондаги етакчи олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда талабаларнинг академик алмашинувини таъминлаш ҳамда таълим олишига кенг шароит яратиш учун **бакалавриат таълим йўналишлари** ва **магистратура мутахассисликлари аккредитациядан** ўтказилсин;

талабаларда спорт маҳоратини доимий равишда юксалтириш ҳамда уларнинг **персонал траекториялар** бўйича **вариатив (ўзгарувчан)** ўқув режалари асосида таълим олишлари учун ўқув жараёни **кредит-модуль тизими** асосида ташкил этилиб, мазкур тизим 2024/2025 ўқув йилига қадар **тўлиқ жорий қилинсин**;

2024/2025 ўқув йилига қадар барча бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларига оид **малака талаблари қайта кўриб чиқилсин**, шу жумладан, битирувчи бакалавр ва магистрантларнинг **билими, маҳорати ва педагогик кўникмаларини баҳоловчи компетенцияларни сертификатлаш тизими жорий қилинсин**.

2. Белгилаб қўйилсинки, **2023/2024 ўқув йилидан бошлаб** Университет ва унинг филиалларида:

бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари халқаро стандартлардан келиб чиқиб **мақбуллаштирилади** ҳамда **бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари** 1-иловага мувофиқ **жорий қилинади**;

"Спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича)" бакалавриат таълим йўналишига камида **иккинчи спорт разрядига эга бўлган**, "Спорт турининг алоҳида йўналишлари" магистратура мутахассислигига эса камида **Ўзбекистон спорт усталигига** ёки **Ўзбекистон гроссмейстерлигига номзод** спорт разрядига эга бўлган абитуриентлар қабул қилинади;

ўқув машғулотлари ва маҳорат дарсларини ўтказиш ҳамда ўқув жараёнида иштирок этиш учун **спорт федерация (ассоциация)ларининг етук малака ва тажрибага эга бўлган мутахассислари** жалб қилинади;

"Менежмент (жисмоний тарбия ва спорт менежменти)", "Менежмент (спорт тадбирларини ташкил этиш ва бошқариш)" ва "Маркетинг (спорт маркетинги)" бакалавриат таълим йўналишлари битирувчи талабаларининг амалиёти яшаш ҳудудидаги **маҳаллаларда** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 апрелдаги "Маҳаллаларда ёшларни оммавий спортга жалб қилишни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-201-сон қарорида белгиланган тегишли спорт турлари бўйича **оммавий спорт мусобақаларини ташкил қилиш** орқали амалга оширилади;

иқтидорли (қоида тариқасида, аъло баҳоларга битирган) битирувчиларнинг **битирув олди амалиёти** уларни миллий терма жамоаларнинг **хорижда** ўтказиладиган **ўқув-йиғин машғулотлари** ҳамда **халқаро мусобақалар** жараёнига жалб этиш орқали ташкил этилади;

талабаларнинг ўзлаштирган билими, малака ва кўникмаларини амалиётда қўллаш даражасидан келиб чиқиб, иқтидорли битирувчиларга **спорт бўйича ҳакам** ҳамда **иккинчи тоифали тренер малака тоифасини белгиловчи гувоҳнома берилади**.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб Университет ва унинг филиалларида ҳамда бошқа олий таълим муассасаларининг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим йўналишларида қуйидагилар **касбий (ижодий) кириш имтиҳонларини** топширишдан озод қилинади ва **уларга максимал балл берилади**:

**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи** фахрий унвонига эга бўлган спортчилар;

**Халқаро тоифадаги Ўзбекистон спорт устаси** ёки **халқаро гроссмейстер** спорт унвонига эга бўлган спортчилар;

**Ўзбекистон спорт устаси** ёки **Ўзбекистон гроссмейстери** спорт унвонига эга бўлган спортчилар;

Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Параосиё ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари бўйича **республика чемпионатларида охирги бир йилда ғолиб (1-ўрин) бўлган спортчилар**. Бунда, мазкур спортчилар **вариатив (ўзгарувчан) ўқув режалари асосида ўқитилади**, шунингдек, улар маҳаллаларда **спорт тўгаракларини очиш ва бошқариш, спорт тадбирларини ташкил қилиш, ёшлар ўртасида спортнинг афзалликларини тарғиб қилиш** ишларига жалб қилинади.

4. Жисмоний тарбия ва спорт йўналишларида 2023 йил 1 январдан бошлаб **Паҳлавон Маҳмуд номли давлат стипендияси** жорий қилинсин.

Белгилансинки, Паҳлавон Маҳмуд номли давлат стипендияси жисмоний тарбия ва спорт йўналишлари учун кадрлар тайёрловчи ҳар бир **олий таълим муассасасининг бир нафар юқори курс талабасига** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 5 февралдаги "Ўзбекистоннинг ўқувчи ёшларини рағбатлантириш чоралари тўғрисида"ги ПФ-555-сон Фармонида белгиланган талаблар асосида тайинланади.

Спортни ривожлантириш вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги билан биргаликда уч ой муддатда Бакалавриат босқичи талабалари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендиялари ҳамда уларни тайинлаш тартиби тўғрисидаги низомга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

5. Университет Кузатув кенгаши **Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрлар салоҳиятини ошириш ҳамда илмий фаолиятни ривожлантириш бўйича кузатув кенгаши** (кейинги ўринларда – Кузатув кенгаши) этиб қайта номлансин, шунингдек, унинг янгиланган таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, Университет филиаллари, Олий спорт маҳорати институти ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт илмий тадқиқотлар институтининг (кейинги ўринларда – Институт) фаолияти **Кузатув кенгаши томонидан мувофиқлаштирилади**.

Кузатув кенгаши зиммасига Университет ва унинг филиаллари, Олий спорт маҳорати институти ва Институтнинг **бошқарув, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва маънавий-маърифий фаолиятини самарали ташкил қилиш**, **таълим сифатини яхшилаш, таълим жараёнини такомиллаштириш** ҳамда **моддий-техника базасини мустаҳкамлаш вазифалари юклатилсин**.

6. Кузатув кенгаши (А. Икрамов) юклатилган вазифалар билан бир қаторда қуйидаги манзилли чора-тадбирларни амалга оширсин:

Университетнинг **жозибадорлигини ошириш** учун жаҳондаги етакчи олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда **кадрлар тайёрлаш, шаффоф қабул жараёнини** ташкиллаштириш, таҳсил олаётган **хорижий талабалар** сонини **2 баравар**га кўпайтириш;

Университетда **олимпия спорт фаолияти** бўйича йўналишлар сонини **20 фоиз**га, **ноолимпия спорт фаолияти** бўйича йўналишлар сонини **60 фоиз**га ошириш;

Университет профессор-ўқитувчиларининг касбий **компетенцияларини доимий ривожлантириб бориш** мақсадида ҳар йили камида **10 нафар** профессор-ўқитувчиларнинг хорижий давлатларда малака ошириши ва стажировка ўташи тизимини йўлга қўйиш ва таълим жараёнига хорижий давлатларнинг етакчи **профессор-ўқитувчиларини жалб қилиш**;

2025 йилга қадар Университетнинг халқаро тан олинган ташкилотларнинг (QS ёки THE) **соҳавий, минтақавий ёхуд тематик рейтингларига киритилишига эришиш** ҳамда 2030 йилга қадар Университетни халқаро тан олинган ташкилотларнинг (QS ёки THE) олий таълим муассасалари рейтингида биринчи **1 000 талик рўйхатига киритиш**;

Университетда **фундаментал** ҳамда **амалий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш**, уларнинг самарадорлигини ошириш, илм-фаннинг ишлаб чиқариш билан интеграциясини кучайтириш орқали **илмий салоҳиятни** 1,7 бараварга кўпайтириб, **45 фоиз**гача **етказиш**;

Университет профессор-ўқитувчиларининг илмий-услубий фаолияти натижадорлигини **дарсликлар** сони бўйича **1,8 баравар**га, **ўқув қўлланмалар** сони бўйича **1,8 баравар**га, **Scopus** ва **Web of Science** маълумотлар базасига киритилган мақолалар сони бўйича **4,4 баравар**га ошириш;

Университет ва Институтда **замонавий ўқув ва илмий-лаборатория базасини яхшилаш** (функционал, биокимёвий, психодиагностик, биомеханик, генетик ва бошқа лабораториялар), уларни илғор технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, шунингдек, **ягона кутубхона фонди**ни шакллантириш орқали фондни **60 фоиз**га янгилаш;

Университет спорт объектларида терма жамоаларнинг ўқув-машғулот йиғинлари ва спорт мусобақаларини **ижара шартлари ва пуллик асосда ўтказиш орқали пуллик хизматларни ривожлантириш**, бюджетдан ташқари маблағлар миқдорини кўпайтириб бориш.

7. Қуйидагилар:

**2022-2025 йилларда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети фаолиятини ривожлантиришнинг асосий мақсадли кўрсаткичлари (индикаторлари)** 3-иловага мувофиқ;

**Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети фаолиятини комплекс ривожлантириш дастури** 4-иловага мувофиқ;

**Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети томонидан янги ишланма ва технологияларни яратиш ҳамда жорий этиш лойиҳаларини амалга ошириш дастури** 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кузатув кенгаши (А. Икрамов) ҳар бир мақсадли кўрсаткичга (индикаторга) эришиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширсин, ўз йиғилишларида мазкур масалани муҳокама қилиб борсин.

8. Университет тузилмасида 2023 йил 1 январдан бошлаб **Компетенцияларни баҳолаш маркази** ташкил қилинсин.

Белгилансинки:

Спортни ривожлантириш вазирлиги тизимидаги спорт-таълим ва олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлари, тренерлари, методистлари, бошқа ходимлари ҳамда битирувчиларининг **билим** ва **амалий** кўникмалари даражасини **баҳолаш**, уларнинг **педагогик** ва **илмий салоҳиятини** янада ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш Компетенцияларни баҳолаш марказининг асосий вазифалари этиб белгиланади;

Компетенцияларни баҳолаш маркази бевосита Кузатув кенгаши томонидан бошқарилади ҳамда унинг фаолияти **Университетнинг бюджетдан ташқари** маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади;

Кузатув кенгаши Компетенцияларни баҳолаш маркази фаолиятини самарали ташкил қилиш учун барча зарур чора-тадбирларни кўради, шу жумладан, хорижий технологиялар трансфери орқали **илғор тажрибани жорий қилади**.

9. Спортни ривожлантириш вазирлиги (А. Икрамов) Самарқанд шаҳрида "Россия давлат жисмоний тарбия, спорт, ёшлар ва туризм университети" федерал давлат бюджети олий таълим муассасасининг филиали фаолияти тугатилаётганлиги муносабати билан мазкур университетнинг етакчи профессор-ўқитувчиларини Университет ва унинг филиаллари, Олий спорт маҳорати институти ҳамда Институтга жалб қилиш чора-тадбирларини амалга оширсин.

10. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида илмий тадқиқотлар тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Институт зиммасига **қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин**:

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида, шу жумладан, спорт **биомеханикаси, физиологияси, фармакологияси** ва **генетикаси** бўйича **фундаментал**, **амалий** ва **инновацион тадқиқотлар ўтказиш**, уларнинг натижаларини **амалиётга жорий этиш**;

аҳолининг ёш хусусиятидан келиб чиқиб, **жисмоний ривожланиши** ва **жисмоний тайёргарлигини** илмий асосда ўрганиш ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

спорт турлари бўйича Ўзбекистон терма жамоалари (ёшлар, ўсмирлар ва катталар) аъзоларининг ҳамда спорт-таълим муассасалари спортчи ўқувчи ва талабаларининг **жисмоний ривожланиши ва тайёргарлиги, функционал ҳолати, техник-тактик** ва **психологик** тайёргарлигини илмий жиҳатдан ўрганиш, мониторинг қилиш ва истиқболини белгилаш;

илмий-инновацион фаолият натижаларининг **трансфери ва уларни тижоратлаштириш**, **стартап лойиҳаларни жорий этиш** орқали ёшлар, олимлар ва профессор-ўқитувчиларни жисмоний тарбия ва спорт соҳасининг илмий-техник муаммоларини ҳал этишга жалб қилиш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги халқаро ва маҳаллий ташкилотларнинг **олимлари, мутахассислари** иштирокида маҳорат дарслари, семинар-тренинглар, давра суҳбатлари, учрашувлар, шунингдек, илмий-амалий конференциялар ва анжуманлар, танловлар ўтказиш.

11. Қуйидагилар:

**2022-2025 йилларда Жисмоний тарбия ва спорт илмий тадқиқотлар институти фаолиятини ривожлантиришнинг асосий мақсадли кўрсаткичлари (индикаторлари)** 6-иловага мувофиқ;

**Жисмоний тарбия ва спорт илмий тадқиқотлар институти фаолиятини янада такомиллаштириш дастури** 7-иловага мувофиқ;

**Жисмоний тарбия ва спорт илмий тадқиқотлар институти томонидан янги ишланма ва технологияларни яратиш ва жорий этиш лойиҳаларини амалга ошириш дастури** 8-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кузатув кенгаши (А.Икрамов) ҳар бир мақсадли кўрсаткичга (индикаторга) эришиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширсин, ўз йиғилишларида мазкур масалани муҳокама қилиб борсин.

12. Белгилансинки:

**Спортни ривожлантириш вазирлиги ва унинг тизимидаги муассасалар** Институтнинг ишлари ва хизматлари (товарлари) бўйича **асосий буюртмачи ҳисобланади**;

спортни ривожлантириш вазири, зарур ҳолларда, Институтнинг **ташкилий тузилмасига** ходимларнинг белгиланган умумий штат бирлиги ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида **ўзгартиришлар киритади**;

Институт республикадаги барча жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ташкилотлар ва муассасалар учун **базавий илмий-тадқиқот ташкилоти ҳисобланади**, Кузатув кенгаши (А.Икрамов) Институтнинг илмий ютуқлари ва инновацион ишланмалари жойларда амалиётга жадал татбиқ этилишига кўмаклашади;

Институт директори **спортни ривожлантириш вазири** томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

13. Спортни ривожлантириш вазирига:

Институт ходимларининг лавозим маошларига (тариф ставкаларига) асосий эгаллаб турган лавозими бўйича, қонунчилик ҳужжатларида кўрсатилган бошқа қўшимчалар ва устамалардан қатъи назар, **Спортни ривожлантириш вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан устамалар белгилаш**;

Институтни замонавий илмий-тадқиқот лаборатория қурилмалари, асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш учун халқаро молия институтлари ҳамда ташкилотлари **грантлари, техник кўмак** ва бошқа **ташқи беғараз кўмак маблағларини** жалб қилиш;

Институт тадқиқотчилари ва мутахассисларининг хорижий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида малака ошириши ва стажировка ўташи **қиймати** ҳамда шу билан боғлиқ харажатлар учун **тўловларни амалга ошириш** ҳуқуқи берилсин.

14. Спортни ривожлантириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб Институтда **"Спорт турининг алоҳида йўналишлари" магистратура мутахассислиги** бўйича таълим фаолиятини амалга ошириш тўғрисидаги таклифи қўллаб-қувватлансин.

Бунда, Институтга талабаларни "Спорт турининг алоҳида йўналишлари" магистратура мутахассислигига қабул қилиш квоталари ҳар йили Давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича давлат комиссияси томонидан белгиланади.

Спортни ривожлантириш вазирлиги "Спорт турининг алоҳида йўналишлари" магистратура мутахассислиги бўйича кадрларни **давлат гранти** ва **тўлов-контракт асосида** тайёрлашни йўлга қўйсин.

15. 2023 йил 1 январдан бошлаб Институтда "**Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси**" ихтисослиги бўйича педагогика фанлари доктори (DSc) илмий даражасини берувчи **Илмий кенгаш ташкил қилинсин**.

16. Инновацион ривожланиш вазирлиги (И. Абдурахмонов):

Институтда жисмоний тарбия ва спорт соҳасининг долзарб йўналишларини ўрганиш бўйича **илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси** белгиланган тартибда шакллантирилишини;

илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида танлов ва илмий экспертиза натижаларига кўра Институтга **грантлар ажратилишини**;

2023 йил якунига қадар Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Институтнинг илмий ва инновацион лойиҳаларини молиялаштириш, шунингдек, лаборатория жиҳозларини харид қилиш учун **маблағлар ажратилишини** таъминласин.

17. Университет ва унинг филиаллари, Олий спорт маҳорати институти ҳамда Институт фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш мақсадида **Ўқув-илмий ҳамжамият** ташкил қилинсин.

Белгилансинки, Ўқув-илмий ҳамжамиятда Университет ва унинг филиаллари, Олий спорт маҳорати институти ҳамда Институт профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимлари, спорт-таълим муассасалари, спорт федерация (ассоциация)лари ва илмий-тадқиқот институтларида самарали фаолият юритаётган олимлар ва экспертлар томонидан **яратилаётган ишланмалар ва методикалар тажрибадан ўтказилади**.

Спортни ривожлантириш вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда Ўқув-илмий ҳамжамият фаолиятини **самарали ташкил қилсин**, шу жумладан:

спорт-таълим муассасалари, спорт федерация (ассоциация)лари ва илмий-тадқиқот институтларини **Ўқув-илмий ҳамжамиятга бириктирсин**;

яратилаётган ишланмалар ва методикаларнинг самарадорлигини аниқлаш мақсадида спорт-таълим муассасалари, спорт федерация (ассоциация)лари ва илмий-тадқиқот институтлари таркибидан **илмий-амалий гуруҳ шакллантирсин**;

илмий-амалий гуруҳни мазкур қарор билан тасдиқланаётган янги ишланма ва технологияларни яратиш ва жорий этиш лойиҳаларини **рўёбга чиқаришга жалб қилсин**.

18. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳамда унинг филиаллари, Олий спорт маҳорати институти ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт илмий тадқиқотлар институтининг ўқитувчилари ва илмий ходимларини хорижий олий таълим муассасаларига **фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини ҳимоя қилиш учун юбориш жадвали** 9-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки:

хорижий олий таълим муассасаларига фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини ҳимоя қилиш учун **педагогик-илмий** фаолият билан шуғулланаётган, **магистрлик даражасига** эга бўлган **иқтидорли ва самарали** фаолият кўрсатаётган **ходимлар очиқ танлов асосида** юборилади;

хорижий олий таълим муассасаларига ўқитувчи ва ходимларни фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини ҳимоя қилиш учун юбориш билан боғлиқ харажатлар **"Эл-юрт умиди"** жамғармасига хорижда докторантурада таълим олиш дастурларини молиялаштириш учун **ажратиладиган маблағлар** ҳисобидан қопланади.

Ташқи ишлар вазирлиги (В. Норов) Спортни ривожлантириш вазирлиги (А. Икрамов) билан биргаликда:

уч ой муддатда мазкур қарорга 9-иловада кўрсатилган хорижий олий таълим муассасалари билан музокаралар ўтказсин ва бошқа ташкилий тадбирларни келишсин;

